

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖАМОЛОВ ДАВРОНБЕК БАХТИЁР ЎҒЛИ

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МИЛЛИЙ МАДАНИЯТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ
(ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ АСПЕКТ)

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

УДК:122/129:008:005.44.(575.1)

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Жамолов Давронбек Бахтиёр ўғли

Глобаллашув шароитида миллий маданиятни ривожлантириш муаммолари
(ижтимоий-фалсафий аспект)..... 5

Жамолов Давронбек Бахтиёр угли

Проблемы развития национальной культуры в условиях глобализации
(социально-философский аспект) 21

Jamolov Davronbek Baxtiyor ogli

The problems of development of national culture
(socio-philosophical aspect) 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 44

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖАМОЛОВ ДАВРОНБЕК БАХТИЁР ЎҒЛИ

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МИЛЛИЙ МАДАНИЯТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ
(ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ АСПЕКТ)

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Fal513 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Чориев Санжарбек Анварович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Саломова Ҳакима Юсуповна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Шерманов Исобек Чилмаматович
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот:

Термиз давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020.F.72.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-29-14; факс: (65) 221-57-27, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

Наврўзова Г. Н.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Шарипов А.З.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа фанлари доктори, доцент

Намозов Б.Б.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,
фалсафа фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобаллашув тенденцияси тобора жадаллашиб, турли маданий парадигмалар ўртасидаги интеграцион ёндашувлар, халқлар ўртасидаги маданий ҳамкорлик интенсив хусусият касб этиб бормоқда. Интеграцион ва унификацион жараёнлар ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олгани сингари миллий маданиятларни ҳам четлаб ўтмаганлиги оқибатида уларнинг ўзига хос жиҳатларнинг заифлашаётгани, маданиятлар ўртасидаги тафовутларнинг йўқолаётгани глобаллашув даврининг энг асосий хусусиятларидан бирига айланиб бормоқда. Шу сабабли маданий глобаллашув таъсирида пайдо бўлаётган янги ғоявий йўналишлар, миллий анъаналар универсализациясини, ижтимоий тарбиядаги барқарорлик ва ўзгарувчанлик, ахлоқий, ҳуқуқий, сиёсий, ватанпарварлик, меҳнат ва эстетик тарбиядаги миллий позицияларнинг диалектик алоқадорлигининг ижтимоий-фалсафий хусусиятларини очиб бериш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон илм-фанида глобаллашув тенденциясининг миллий маданиятларга таъсири констатация қилиниб, уларнинг ўзаро алоқадорлиги йўналишлари ва ижтимоий оқибатларига оид илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Глобаллашув шароитида миллий маданиятлар интеграциясининг фаоллашуви, уларнинг унификацияси миллий маданиятларни янги ғоя ва тенденциялар билан бойитиб, миллий анъаналарга муносабатнинг ўзгаришини, миллий қадриятларнинг жамиятдаги мавқеи заифлашишини ҳамда миллий тарбиянинг либераллашувига олиб келмоқда. Шу боис миллий маданиятларнинг ўзига хос жиҳатларини сақлаб қолиш йўллари топиш, глобаллашув шароитида миллий маданиятни ривожлантиришнинг замонавий фалсафа, социология ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар контекстида тадқиқ этиш зарурати ортиб бормоқда.

Мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида миллий маданиятни янада ривожлантириш, юртимизнинг жаҳон маданий маконига фаол интеграциялашувини таъминлашга қаратилган тизимли ислохотлар олиб борилмоқда. “Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маданият керак. Илм йўқ жойда қоқоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади. Энг катта бойлик - бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос - бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир! Шу сабабли ҳаммамиз учун илгор билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётини эҳтиёжга айланиши керак”¹. Янги Ўзбекистонда миллий маданиятни асраб қолиш ҳамда янада ривожлантиришда инсонпарварлик ва жамоавийлик устуворлиги, миллийлик ва умуминсонийлик уйғунлиги билан боғлиқ хусусиятларни, унинг такомиллашув қонуниятлари ва ижтимоий-фалсафий жиҳатларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. - Тошкент: “O‘zbekiston”, 2021. – Б.24

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-406-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида” қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2020 йилнинг 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030-йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, 2018 йилнинг 28 ноябридаги ПҚ-4038-сонли “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йилнинг 26 майдаги ПҚ-6000-сонли “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йилнинг 6 ноябридаги ПҚ-4884-сонли “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 январдаги 23-сон “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” қарори, шунингдек соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳонда маданиятнинг мазмуни ва шакллари, унинг шаклланиши қонуниятлари мунтазам ўрганиб келинадиган илмий муаммолардан ҳисобланади. Сўнгги 20-30 йилда глобаллашув шароитида миллий маданиятларда сифатий трансформацион жараёнлар Л. Адамс, В. Мазарелла, Ж. Томлинсон тадқиқотларида таҳлил этилган бўлса, М. Ислам Резаул, Ванг Жуо-Юн, Ҳе Ҳуалинг, Ж. Зажда, С. Маханович изланишларда миллий маданиятни асраш муаммолари тадқиқ қилинган².

МДҲ мамлакатларида глобаллашув тенденциясининг миллий маданиятларга таъсири Е. Квилинкова, В. Козелько, А. Костина, В. Межуев,

² Adams, L.L. Globalization, Universalism, and Cultural Form.// Comparative Studies in Society and History, 50, 614 – 640-p; Mazzarella W. Culture, Globalization, Mediation/// Annual Review of Anthropology, 2004, №33.- 345-367-p; Tomlinson J. Globalization and Culture.- Cambridge: Polity Press, 1999.; Islam M. Rezaul, Burmester Cristiano Franco. Impact of globalization on local traditional handicraft industries in Brazi/// Journal of Globalization Studies, 2020, №2.- 108-120-p; Wang Zhuo-jun, He Hualing. National Identity in the Era of Globalization: Crisis and Reconstruction.// Social Sciences in China, 2014, №35, 139-154-p; Zajda J., Majhanovich S. Cultural Identity in the Global Era.- Dordrecht : Springer, 2021.

А. Новосельская, Н. Розенберг, В. Сакович, Т. Чижевич илмий ишларида жиддий тадқиқотлар объектига айланди³.

Ўзбекистонда ҳам глобаллашув шароитида ўзбек миллий маданияти туб ўзгаришлар илмий жамоатчиликда жиддий ташвиш туғдирапти. Бу ташвиш кўплаб илмий ишларда миллий маданиятни асраш ва ривожлантиришга доир қимматли фикр ва таклифлар билдирилаяпти. Масалан, Г. Амирова, С. Отамуродов, Қ. Қобулов, У. Ҳосил асарларида глобаллашув шароитида миллатни, миллий ўзига хосликни асраш, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш зарурияти ошаётгани асосланган⁴, Қ. Назаров, Р. Рўзиева, А. Эркаев илмий ишларида миллий маданият таркибидан жой олган элементлардаги ўзгаришлар таҳлил қилинади⁵. М. Ҳажиева, А. Шарипов, Ф. Юлдошева асарларида эса глобаллашув шароитида миллий маданиятни ривожлантиришга доир қатор таклифлар илгари сурилади⁶.

Бироқ юқоридаги илмий ишлар асосан глобаллашув таъсирида миллий маданиятнинг айрим компонентларида содир бўлган ўзгаришлар таҳлилига бағишланган. Ваҳоланки, “глобаллашув – ўзбек миллий маданияти” контекстидаги алоқадорликни яхлит ва тизимли равишда тадқиқ қилиш зарурияти ҳалигача ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Қарши давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ А-1-173 рақамли “Баркамол инсон шахсини шакллантиришнинг объектив шарт-шароитлари ва субъектив омиллари” (2020-2025 йй) илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади глобаллашув даврида миллий маданиятдаги трансформацион ўзгаришлар ҳамда миллий маданиятни ривожлантириш муаммоларини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

³ Квилинкова Е. Н., Сакович В. А. Национальная культура и глобализация // Славянские чтения: материалы Научно-теоретической конференции.- Кишинев, 2005, Вып. 3.- 61-70-с; Козелько В. Национальная культура: сущность, структура, компоненты.// Новые технологии, 2008, №5.- 136-139-с; Костина А. В. Национальная и этническая культура: соотношение в глобализирующемся мире // Знание. Понимание. Умение, 2006. № 4.- 165-172-с; Межуев В. Национальная культура как явление и понятие.//Личность. Культура. Общество, 2005, №2.- 83-95-с; Новосельская А. Национальная культура как объект культуры.// Государственное управление и развитие России: Сборник статей международной научно-практической конференции.– М.: ИГСУ, 2017; Розенберг Н. Национальные культуры как вызов глобализации.// Известия высших учебных заведений. Поволжский регион. Гуманитарные науки, №3.-111-117-с; Чижевич Т.А. Национальная культура в эпоху глобализации.// Манускрипт, 2017, №8.- 209-211-с.

⁴ Амирова Г. Миллий ўз-ўзини англаш миллий ўзига хосликни сақлаш омили сифатида.// Замонавий таълим, 2016, № 8.- 3-8-с.; Отамуродов С. Глобаллашув: миллатни асраш масъулияти.- Т.:Ўзбекистон, 2018; Қобулов Қ.П. Миллий манфаатларни уйғунлаштиришда толерантлик: Фалс.ф. бўйича фалс.д. (PhD) дисс. автореф.- Самарқанд: СамДУ, 2021; Ҳосил У. Одатнома. Икки жилдлик.- Т.:Ўзбекистон, 2016.

⁵ Назаров Қ. Қадриятлар тизимининг барқарорлиги ва ўзгаришлари.-Т.:1994; Рўзиева Р.Х. Урф-одат ва анъаналар – миллий қадриятларни шакллантирадиган мезон сифатида.// Scientific progress, 2021, №4; Эркаев А. Маънавиятшунослик. Икки жилдлик.- Т.: Маънавият, 2018.

⁶ Ҳажиева И.А. Инсон ва инсонпарварлик мутафаккирларимиз талқинида.// Образование и воспитание, 2018, №3.1; Шарипов А.З. Янги Ўзбекистонда маънавий-мафкуравий ислохотлар трансформациясининг ижтимоий-фалсафий таҳлили: Фалс.ф.д. (DSc) дисс. автореф.- Бухоро: БухДУ, 2021; Юлдошева Ф.Х. Ўзбекистонда глобаллашув шароитида маънавий янгиланишнинг ўзига хос хусусиятлари: Фалс.ф. бўйича фалс.д. (PhD) дисс. автореф.- Т.: ЎЗМУ, 2021.

таркибий-функционал таҳлил асосида “миллий маданият” тушунчаси мазмуни, компонентлари ва функцияларига аниқлик киритиш;

ижтимоий фалсафа ва маданият назариясига доир илмий манбаларга таянган ҳолда миллатлар маданияти ривожига таъсир кўрсатувчи омилларнинг фалсафий интерпретациясини амалга ошириш;

назарий билимлар ва ижтимоий воқеликнинг қиёсий таҳлили асосида ўзбек миллий маданияти хусусиятларини ифодалаш, унинг хусусиятлари билан ижтимоий функциялари ўртасидаги уйғунликни очиб бериш;

маданий жараёнларга доир аргументлардаги умумийлик ва қонунийликни аниқлаш орқали глобаллашув таъсирида ўзбек миллий маданияти компонентларида содир бўлган ўзгаришларни умумлаштириш;

глобаллашув шароитида ўзбек миллий маданиятининг ўзига хос жиҳатларини асраш ва ривожлантиришнинг долзарб вазифаларини аниқлаш, бу вазифаларни бажаришга доир тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти замонавий социумда миллий маданиятларнинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнлари билан боғлиқ.

Тадқиқот предметини глобаллашув шароитида ўзбек миллий маданиятининг ривожланиши жараёни ва унга таъсир курсатаётган тенденциялар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда концептуал таҳлил, таркибий-функционал таҳлил, маданий синтез, диахроник талқин, умумлаштириш ва таққослаш каби илмий билиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек миллий маданиятининг инсонпарварлик ва жамоавийлик устуворлиги, барқарорлик ва ўзгарувчанлик, динийлик ва дунёвийлик, миллийлик ва умуминсонийлик уйғунлиги билан боғлиқ хусусиятлари бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик муҳитини мустаҳкамлаш, бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, фуқаролараро ҳамжиҳатликни таъминлаш омили эканлиги сабабли унинг маърифий, кадрлаш, мувофиқлаштириш, ворисийлик, коммуникатив, ижтимоийлаштириш функцияларини такомиллаштираётгани очиб берилган;

маданий жараёнларга доир аргументлардаги умумийлик ва қонунийликни аниқлаш орқали маданий глобаллашув таъсирида ўзбек тили лексик таркиби кенгайгани, ўзбек адабиёти янги тенденциялар билан бойигани, ўзбек миллий санъатида янги ғоявий йўналишлар пайдо бўлгани, миллий анъаналар универсализацияси юз бергани, миллий кадриятларнинг ижтимоий мавқеи заифлашгани, маданий меросни асраш технологияси замонавийлашгани, миллий тарбия либераллашгани фалсафий жиҳатдан исботланган;

глобаллашув шароитида ўзбек миллий маданиятидаги инсонпарварлик ва жамоавийлик, миллийлик ва умуминсонийлик ҳамоҳанглиги хусусиятлари миллий анъана, кадриятларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашда, миллий тарбия самарадорлигини оширишда ҳамда шахсий ва ижтимоий манфаатлар уйғунлаштиришга йўналтириши сабабли миллий тил, адабиёт ва санъатдаги миллийлик элементлари ҳажмига, миллий кадриятлар ижтимоий

мавқеига пропорционаллиги асосланган;

глобаллашув шароитида ижтимоий тарбиядаги барқарорлик ва ўзгарувчанлик, динийлик ва дунёвийлик уйғунлиги табиий, ижтимоий, иқтисодий, маданий, коммуникацион, аксиологик ва рационал омиллар таъсирида шаклланишига кўра ахлоқий, ҳуқуқий, сиёсий, ватанпарварлик, меҳнат ва эстетик тарбиядаги миллий позициялар салмоғига мутаносиблиги очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

концептуал таҳлил ёрдамида миллий маданият мазмуни, таркибий-функционал таҳлил ёрдамида унинг таркибий тузилиши аниқланган бўлиб, бу натижалар “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини” амалга оширувчи субъектлар фаолиятининг илмий-назарий таъминотига хизмат қилган;

ўзбек миллий маданиятининг асосий хусусиятлари ва функциялари, глобаллашув шароитида унинг компонентларида содир бўлган ўзгаришлар умумлаштирилган бўлиб, бу натижалар вилоятларда амалга оширилган маънавий-маърифий тадбирлар самарасини оширишда қўлланилган;

глобаллашув шароитида ўзбек миллий маданиятининг ўзига хос жиҳатларини асраш ва ривожлантириш вазифалари, бу вазифаларни рўёбга чиқариш юзасидан амалий тавсиялар мажмуи ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот жараёнида қўлланилган назарий қарашлар, тадқиқот усуллари ва ёндашувлар расмий манбалардан олинганлиги, нашр этилган илмий мақолалар, республика ва халқаро конференцияларда муҳокамадан ўтказилганлиги, тадқиқот иши натижалари юзасидан берилган хулосалар, таклиф ишлаб чиқилганлиги ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, муаллиф томонидан объективлилик ва системавийлик тамойили асосида ўтказилган социологик сўров натижаларига таянилгани ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унда илгари сурилган ғоялар глобаллашув шароитида ўзбек миллий маданияти компонентларидаги ўзгаришларни тизимли тадқиқ қилишда назарий асос вазифасини ўтайди. Тадқиқот натижалари миллий маданиятнинг шаклланиш ва ривожланиш қонуниятларини аниқлашда илмий манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқотнинг амалий натижалари мутасадди субъектларнинг “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини” амалга ошириш борасидаги фаолиятининг самарасини оширишга хизмат қилади. Шунингдек, тадқиқотнинг амалий тавсиялари миллий маданиятни ривожлантириш, ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан шуғулланувчи Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда бошқа давлат идоралари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида қўлланилиши мумкин. Диссертацияда илгари сурилган ғоялардан таълим муассасаларида

“Фалсафа” ва “Маданиятшунослик” фанларидан ўтиладиган назарий машғулотларда, маънавий-маърифий тадбирларда фойдаланиш ҳам мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши Глобаллашув тенденцияси таъсирида ўзбек миллий маданиятида содир бўлган ўзгаришларни, унинг ўзига хослигини асраш ва ривожлантириш йўллари аниқлаш орқали олинган илмий натижалар асосида:

ўзбек миллий маданиятининг инсонпарварлик ва жамоавийлик устуворлиги, барқарорлик ва ўзгарувчанлик, динийлик ва дунёвийлик, миллийлик ва умуминсонийлик уйғунлиги билан боғлиқ хусусиятлари бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик муҳитини мустақамлаш, бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, фуқаролараро ҳамжиҳатликни таъминлаш омили эканлиги сабабли унинг маърифий, кадрлаш, мувофиқлаштириш, ворисийлик, коммуникатив, ижтимоийлаштириш функцияларини такомиллаштираётганига оид назарий хулосалар, методологик тавсиялар ҳамда амалий таклифлардан Халқаро Амир Темур жамоат фондида бажарилган И-56-10/37-рақамли “Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари” шиори остида ёшларни она юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда ташаббускорлик, фидоийлик, ахлоқий фазилатларни шакллантириш” (2020-2021 йй) мавзудаги инновацион илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқаро Амир Темур Хайрия жамоат фондининг 2022 йил 13 июлдаги 04-33-сон маълумотномаси). Натижада, ижтимоий тарбия ёрдамида шахс маданий қиёфасини шакллантиришда, ахлоқий ҳамда миллий кадриятларни амалиётга жорий этишда самарадорликни оширишга хизмат қилган;

маданий жараёнларга доир аргументлардаги умумийлик ва қонунийликни аниқлаш орқали маданий глобаллашув таъсирида ўзбек тили лексик таркиби кенгайгани, ўзбек адабиёти янги тенденциялар билан бойигани, ўзбек миллий санъатида янги ғоявий йўналишлар пайдо бўлгани, миллий анъаналар универсализацияси юз бергани, миллий кадриятлар ижтимоий мавқеи заифлашгани, маданий меросни асраш технологияси замонавийлашгани, миллий тарбия либераллашганига доир назарий умумлашмалар ва амалий таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2019-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”нинг VII. Илм-фан, таълим, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасида чора-тадбирлар ижросини таъминлашда ҳамда 2022-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш дастурининг II “Ёшларнинг бўш вақти – етакчининг иш вақти” тамойили асосида ёшлар билан “маҳаллабай” ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2022 йил 29 июндаги 02-12-08-2667-сон маълумотномаси). Натижада, Ўзбекистон ва ўзбек халқи, унинг тили, урф-одатлари, анъаналари, кадриятлари, маданий мерос, адабиёти ва санъати

тўғрисидаги тасаввурларни шакллантириш жараёнида, маданий йўналишларни такомиллаштиришда ва амалда тадбиқ этишга хизмат қилган;

глобаллашув шароитида ўзбек миллий маданиятидаги инсонпарварлик ва жамоавийлик, миллийлик ва умуминсонийлик ҳамоҳанглиги хусусиятлари миллий анъана, қадриятларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашда, миллий тарбия самарадорлигини оширишда ҳамда шахсий ва ижтимоий манфаатлар уйғунлаштиришга йўналтириши сабабли миллий тил, адабиёт ва санъатдаги миллийлик элементлари ҳажмига, миллий қадриятлар ижтимоий мавқеига пропорционалигига оид назарий-манتيқий хулосалар ва амалий тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги тўғрисида Низомнинг III боб 11-банд “Ёшларни Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш, ўсиб келаётган ёш авлодни илм-фан ва инновацияларга кенг жалб этиш, уларни “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари!” ғояси атрофида бирлаштиришга қаратилган чоратадбирларни амалга ошириш”да фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг 2022 йил 15 июлдаги 4-13-23-2094-сон маълумотномаси). Натижада, миллий маданиятни ривожлантириш муаммолари, уларнинг таҳлилий ҳамда таснифий жиҳатларини асослашда, жамиятнинг ижтимоий ҳуқуқий соҳаларини такомиллаштиришда, таълим ҳамда меҳнат қилишнинг мотивацион фаоллигини оширишда. ёшларда эстетик тарбиянинг миллий ҳамда маданий тузилмаларини йўлга қўйишга хизмат қилган;

глобаллашув шароитида ижтимоий тарбиядаги барқарорлик ва ўзгарувчанлик, динийлик ва дунёвийлик уйғунлиги табиий, ижтимоий, иқтисодий, маданий, коммуникацион, аксиологик ва рационал омиллар таъсирида шаклланишига кўра ахлоқий, ҳуқуқий, сиёсий, ватанпарварлик, меҳнат ва эстетик тарбиядаги миллий позициялар салмоғига мутаносиблигига доир таклиф ва тавсияларидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телерадиоканалида эфирга узатилган “Таълим ва тараққиёт”, “Миллат ва маънавият” номли дастурлар (2021-2022 йй) сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телерадиоканали давлат муассасасининг 2022 йил 17 июндаги 04-36-940-сон маълумотномаси). Натижада, миллий анъана, қадриятларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш ҳамда миллий тарбия самарадорлигини оширишда белгиланган вазифалар ёритиш, глобаллашув шароитида ўзбек миллий маданиятининг ўзига хос жиҳатларини асраш ва бу вазифанинг илмий ечимларини топишда ўз ҳиссасини қўшган ҳамда миллий анъаналарга ҳурмат муҳитини янада мустаҳкамлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-назарий ва илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий

аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 6 та (4 та республика ва 2 та хорижий журналларда) мақола чоп қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, етти параграфни ўз ичига олган уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Унинг ҳажми 125 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти тавсифланган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Миллий маданият –замонавий социум маънавий ресурси”** деб номланиб, унда миллий маданиятнинг мазмуни, хусусиятлари ва таркиби очиб берилган, унинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи омиллар интерпретация қилинган.

Миллий маданият деганда муайян миллат вакиллари томонидан тарихий тараққиёт давомида яратилган моддий ва маънавий қадриятлар йиғиндиси, шунингдек мазкур қадриятларни бунёд этиш йўллари, улардан миллий ва умуминсоний тараққиёт йўлида фойдаланиш, аждодлардан авлодларга етказиш малакаси тушунилади. Унинг қатор ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Биринчидан, у - объектив воқелиқдир. Миллий маданият миллатни шунчаки кишилар йиғиндиси сифатида эмас, ижтимоий жиҳатдан ривожланган яхлитлик тарзида тасаввур қилиш имконини беради. Иккинчидан, миллий маданият - миллат тарихий фаолиятининг натижасидир. Ҳар қандай миллатнинг маданияти унинг тарихий тараққиёти давомида шаклланиб, такомиллашиб, ривожланиб боради. Учинчидан, миллий маданият нафақат ўтмиш ва бугунни, балки келажакни ўзида мужассам қилувчи ижтимоий ҳодисадир.

Диссертант мулоҳазаларига кўра, миллий маданият қуйидаги *таркибий қисмларига* эга: а) миллий тил миллий маданият тизимидан жой олган марказий элемент бўлиб, миллатнинг асосий муомала воситасини англатади. У миллат борлигининг асоси, ҳаётий фаолияти натижасидир. Айни пайтда миллий тил миллий маданиятнинг ривожланганлиги даражасини намоён қилувчи муҳим мезон вазифасини ҳам ўтайди; б) миллий анъана миллатнинг тарихий тараққиёти давомида объектив равишда шаклланган ва аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган норма ва тасаввурлар, қоида ва намуналар йиғиндисидир. У миллий маданиятнинг барқарорлигини ифодаловчи, унинг артефактлари ворисийлигини таъминловчи таркибий қисмдир; в) миллий қадриятлар – миллатнинг тарихий фаолияти давомида юзага келган ва

муайян кадр-қимматга эга бўлган моддий ва маънавий неъматлар йиғиндисидир. Улар миллат вакилларини турли жараёнлар ва воқеалар, нарсалар ва предметларни миллат эҳтиёж ва манфаатлари, мақсад ва идеаллари нуқтаи назаридан баҳолашга одатлантиради; г) маданий мерос аждодларнинг ҳаётий фаолиятини ифодаловчи ҳамда ўтмишда муайян кадр-қимматга эга бўлган ёдгорликлар, иншоотлар, бинолар, одатлар, нормалар, идеаллардан таркиб топади. У мураккаб ижтимоий-маданий тизим бўлиб, миллатнинг асрлар давомида тўпланган тажрибаси, билим ва маълумотларини ўзида мужассам қилади; д) миллий адабиёт деганда одатда миллат руҳияти, орзу-умидлари, ҳаёт тўғрисидаги тасаввурларини ифодалаган бадиий адабиётлар йиғиндиси тушунилади; е) миллий санъатда миллатнинг руҳияти, унинг воқелик ҳақидаги тасаввури, бу тасаввур ва тафаккур натижасида юзага келган тимсоллари намоён бўлади; ж) миллий тарбия тарбиянинг махсус бир йўналиши ёки соҳаси эмас, ижтимоий тарбия тизимининг характерини белгиловчи тушунчадир. Ушбу тушунча орқали жамиятда амалга оширилаётган тарбиявий-мафкуравий ишлар қайси кадриятлар, анъаналар, ғояларга таянгани, қайси манфаатларга бўйсундирилгани ифодаланади.

Диссертант фикрича, ҳар қандай миллатнинг маданияти қотиб қолган воқелик эмас, албатта. У турли шарт-шароитлар, омиллар таъсирида муттасил такомиллашиб боради. Бу омиллар интерпретацияси алоҳида аҳамиятга эга. Чунки миллий маданиятга таъсир кўрсатишга қодир омилларни аниқлаш ва таҳлил қилиш орқали унинг ривожланиш қонуниятларини англаб олиш мумкин. Миллий маданиятни шакллантирувчи энг муҳим омиллардан бири *табиий ресурслардир*. Табиий ресурслар салмоғи нафақат моддий ва маънавий неъматлар ҳажмини, балки миллий маданият тараққиёти суръатларини ҳам белгилаб беради. У биринчи навбатда иқтисодиётда локомотив вазифасини ўтайди, иқтисодий тараққиёт эса миллий маданият таркибий элементлари - миллий тил, миллий анъана, миллий урф-одат, миллий маросим, миллий кадрият, маданий мерос, миллий адабиёт, миллий санъат, миллий тарбия ривожига замин яратади.

Миллий маданият артефактларининг том маънодаги яратувчилари, уларни концентрация ва трансляция қилувчилари *ижтимоий институтлардир*. Ҳар қандай расмий ва норасмий ижтимоий институтларни бирлаштириб турган нуқталардан бири шундаки, уларнинг барчаси жамиятда миллий маданиятни шакллантирувчи омил вазифасини ўтайди. Жамиятда ижтимоий институтлар нақадар кўп, уларнинг ижтимоий-маданий фаолияти нақадар унумли кечар экан, миллий маданиятнинг шаклланиши жараёни ҳам шу қадар самарали бўлади. Бироқ миллий маданиятнинг шаклланиши учун жамиятда ижтимоий институтларнинг шунчаки мавжуд бўлиши кифоя эмас, албатта. Бунинг учун ижтимоий институтлар яхлит тизим сифатида фаолият кўрсатмоғи даркор. Бинобарин, миллий маданиятнинг шаклланиши жамиятдаги *коммуникацион* (ижтимоий институтлар ижтимоий-маданий салмоғи, ижтимоий-маданий муносабатлар субъектларининг маданий савияси), *аксиологик* (мавжуд кадриятлар характери, жамият аъзоларининг

қадриятларга муносабати), *рационал* (жамиятдаги маданий фаолият қоидалари ва нормаларининг оқилоналиги) омилларга ҳам боғлиқ.

Миллий маданият *маданий диффузия* оқибатида ҳам шакллана боради. Маданий диффузия деганда турли миллий маданиятларга хос бўлган моддий ва маънавий қадриятларнинг ўзаро қоришиб кетиши жараёни назарда тутилади. Миграция, туризм, савдо-сотик, илмий конференция, савдо кўргазмалари, ярмаркалар ва шу каби воқеалар бир маданиятга хос бўлган қадриятларнинг иккинчи маданиятга кириб келишига сабаб бўлади. У гоҳо горизонтал (бир хил тараққиёт даражасида турган маданиятлар ўртасида), гоҳо эса вертикал (тараққиётнинг турли босқичларида турган маданиятлар ўртасида) йўналишларда содир бўлиши мумкин.

Жамиятда миллий маданият элементларини фиксация қилиши ва асраш имкониятларининг яратилганлиги муҳим аҳамиятга эга. Миллий маданият муттасил ривож топиб бориши учун жамиятда вужудга келган ҳар қандай моддий ва маънавий қадрият унинг маданий мулкига айланмоғи, асраб қолинмоғи даркор. Акс ҳолда миллатнинг турли вакиллари яратган қадриятлар, эришган тажрибалар тўлиқ жамланмай қолади, келгуси авлодларга тугал етиб келмайди.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Глобаллашув шароитида ўзбек миллий маданиятидаги ўзгаришлар”** деб номланиб, унда ўзбек миллий маданиятининг асосий хусусият ва функциялари, глобаллашув тенденциясининг бу хусусиятларга таъсири очиб берилган.

Диссертант мулоҳазаларига кўра, ўзбек миллий маданияти бу - ўзбек халқи вакиллари томонидан тарихий тараққиёт давомида шакллантирилган жамики моддий ва маънавий қадриятлар, мазкур қадриятларни бунёд этиш йўллари, улардан миллий ва умуминсоний тараққиёт йўлида фойдаланиш, аждодлардан авлодларга етказиш малакасиدير. У қуйидаги элементлардан *таркиб* топади: а) ўзбек адабий тили; б) ўзбек миллий анъаналари; в) ўзбек миллий қадриятлари; г) ўзбек маданий мероси; д) ўзбек адабиёти; е) ўзбек санъати; ж) ўзбек миллий тарбияси.

Тадқиқотда ўзбек миллий маданияти ўзининг туркум *хусусиятларига* эга бўлиб, *биринчидан*, у инсонпарварлик тамойиллари устуворлиги билан тавсифланади. Минтақада истиқомат қилган кишилар меҳнат фаолияти, кундалик турмушдаги хулқ-атвори, ўзаро муносабатлари инсонни улуғлаш, унинг кадр-қимматини эъзозлаш нормаларига таянган. Бундай ёндашув моддий ва маънавий қадриятларнинг яратилиши жараёнига таъсир кўрсатмасдан қолмаган. *Иккинчидан*, ўзбек миллий маданияти жамоавийлик тамойиллари устуворлиги билан ажралиб туради. Маълумки, Ғарб миллатлари турмуш тарзи кўпроқ индивидуализм ғоя ва тамойилларига таянса, Шарқ халқлари турмушида жамоавийлик устуворлиги кўзга ташланади. Бунинг оқибатида Ғарбда индивидуализмга асосланган миллий маданиятлар қарор топган бўлса, Шарқда жамоавийлик устувор миллий маданиятлар шаклланган. *Учинчидан*, ўзбек миллий маданияти барқарорлик ва ўзгарувчанлик уйғунлиги билан тавсифланади. Барқарорлик ўзбек миллий маданияти элементларининг асрлар давомида ўзгармас жиҳатларини,

Ўзгарувчанлик эса ундаги янгилашлар жараёнини ифодалайди. *Тўртинчидан*, ўзбек миллий маданиятида динийлик ва дунёвийлик уйғунлиги ўз ифодасини топган. Ундан жой олган “дунёвий кадриятлар ижтимоий-руҳий ҳодиса бўлиб, у миллатнинг маданияти, тарихи, тили, дини, урф-одати, анъаналарини, жамиятнинг моддий ва маънавий бойликларини, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча томонларини қамраб олса, диний кадриятлар диққат марказида инсон ва инсонийлик масаласи асосий ўрин тутди”⁷. *Бешинчидан*, ўзбек миллий маданиятида миллийлик ва умуминсонийлик уйғунлиги ўз ифодасини топган. Ўзбек миллий маданияти энг аввало миллий онг ва фаолият маҳсулидир. Бироқ барча миллатлар каби ўзбеклар ҳам ўз тарихий ривожидан ўзга миллат ва элатлар билан ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий муносабатларда бўлганлар, мазкур муносабатлар ва биргаликдаги турмуш мобайнида ўзбек халқи томонидан бошқа этносларга хос бўлган кўплаб кадриятлар ўзлаштирилган.

Диссертант фикрича, хусусиятларга бойлиги, ўзига хослиги боис ўзбек миллий маданияти бугунги кунда жамиятда маърифий, кадрлаш, мувофиқлаштириш, ворисийлик, коммуникатив, ижтимоийлаштириш функцияларини бажармоқда. Ўзбек миллий маданияти муттасил ўзгаришда ва такомил жараёнида бўлган феномендир. Бироқ бирор бир даврда ундаги ўзгаришлар мазмуни, кўлами, шиддати ва интенсивлиги бугунги кундаги каби бўлгани йўқ.

Диссертант фикрича, глобаллашув шароитида ўзбек миллий санъатида янги ғоявий йўналиш ва мавзулар пайдо бўлди. Замонавий санъат олами яхлит умумжаҳон тизими сифатида ривожланаётгани боис турли минтақаларда вужудга келган ғоявий йўналиш, мавзу, сюжет зудлик билан ўзбек миллий санъатига кириб келмоқда. Шунингдек, ушбу жараёнда миллий анъаналар универсализацияси ва унга муносабатнинг ўзгариши юз берапти. Глобаллашув турли миллатларнинг анъаналарини ўзаро чапиштириб юборди. Бир миллат анъанасига хос бўлган элементлар иккинчи миллат анъанаси таркибидан, иккинчисига хос хусусиятлар биринчисига таркибидан жой олиши одатий бўлиб қолди. Бунинг оқибатида жаҳонда турли миллатлар учун умумий бўлган универсал анъаналарнинг юзага келиши бошланиб кетди.

Диссертацияда глобаллашув шароитида миллий кадриятларнинг ижтимоий мавқеи заифлашаётгани таъкидланади. Ғарб кадриятларининг барча миллат ва элатлар учун универсал характерга эга бўлган тизим сифатида тақдим этилаётгани турли мамлакатларда, хусусан Ўзбекистонда этник хусусиятларни ўзида мужассам қилган миллий кадриятлар тизимига муқобил равишда бошқа миллатларга хос, айрим ҳолларда миллий турмуш тарзига ёт кадриятлар тизимини вужудга келтирмоқда. Бу аксиологик анархия хавфини туғдирмоқда.

Глобаллашув шароитида миллий тарбия либераллашмоқда. Миллий анъаналарнинг универсализацияси, миллий кадриятлар мавқеининг заифлаша бориши миллий тарбиянинг ҳам либераллашувига замин яратди. Миллат вакиллари ўз фарзандлари тарбиясини анча эркинроқ, либералроқ ташкил

⁷ Мажидов М. Маънавий тарбияда дунёвий ва диний кадриятлар уйғунлиги.// nasafziyo.uz, 2020, 22 сентябрь.

этадиган бўлдилар. Бу тарбия нукул миллий қадрият ва анъаналарга асосланаётгани йўқ, айрим ҳолларда ўзга қадриятлар тизими, ўзга анъаналар, ҳатто сохта қадриятлар асос сифатида қабул қилинмоқда.

Диссертациянинг учинчи боби **“Миллий маданиятни асраш ва ривожлантириш вазифалари”** деб номланиб, унда ўзбек миллий маданияти-нинг ўзига хос жиҳатларини асраш ва ривожлантириш учун уч асосий вазифага - ўзбек тили, адабиёти ва санъатидаги миллийлик элементларини такомиллаштиришга, миллий анъана ва қадриятларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашга, миллий тарбия самарадорлигини оширишга диққатни жамлаш зарурлиги асослаб берилди.

Диссертант фикрича, мустақиллик йилларида миллий тил, адабиёт ва санъат ривожини давлат эътибори остида бўлди. Ўзбек тилига бўлган эътибор унинг нуфузи ва муомала доирасини кенгайтди. Миллий адабиётни ривожлантириш, уни цензурадан халос қилиш, жаҳон адабиёти билан уйғунлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Мустақиллик йиллари айниқса ўзбек миллий санъат турлари ривожининг авж паллалари бўлди. Лекин бу эътибор уларни глобаллашув тенденцияси салбий таъсирдан мутлақ иҳоталагани йўқ.

Диссертант мулоҳазаларига кўра, миллий тил, адабиёт ва санъатни глобаллашувнинг салбий таъсирдан асраш учун бу соҳаларга доир қатор муаммоларга эътиборни қаратиш зарур бўлади. Масалан, жамият аъзолари томонидан шахслараро мулоқотда, ижтимоий тармоқларда хориж мамлакатларига тақлидан ўзбек тилига эҳтиётсизлик ва эътиборсизлик билан муносабатда бўлиш, унинг қоидаларини бузиб қўллаш ҳоллари кўпаймоқда. Кундалик ўзаро мулоқотларда, оммавий ахборот воситаларидаги публицистик мақолалар ва чиқишларда ўзбек тилида мавжуд тушунчаларнинг хорижий муқобилларини ишлатиш одати тарк этгани йўқ. Корхона ва ташкилотларни асоссиз равишда хорижий номлар билан аташ амалиёти авж олмоқда. Оммавий ахборот воситаларида турли маҳсулот ва хизматларни реклама қилишда, кўча-кўйларда баннерлар, афишалар ўрнатишда зарурият бўлмаганида ҳам хорижий тиллардан фойдаланиш ҳолатлари бисёр.

Диссертант фикрича, ўзбек адабиёти ва санъати билан боғлиқ муаммолар ҳам талайгина. Масалан, замонавий ўзбек адабиёти тобора тижоратлашиб бормоқда, унинг аксар намуналари ўз асосий функциялари – кишилар дунёқарашини юксалтириш, уларни инсонпарварлик ва маърифатпарварлик ғоялари асосида тарбиялаш вазифаларини бажармаётир. Миллий руҳдаги экран ва сахна асарлари яратилишини талаб даражасида деб бўлмайди. Кўпгина санъат асарларида ғарбона оммавий маданиятга хос ғоялар, мавзулар, сюжетлар такрорланади. Санъат асарларини гедонистик ва примитив эҳтиёжларга мослаштириб яратиш тажрибасидан ҳам мутлақо воз кечиш зарур. Бундай муаммолар ўзбек тили, адабиёти ва санъатининг миллий хусусиятларига жиддий путур етказмоқда. Шу муносабат билан улардаги миллийлик элементларини такомиллаштиришга хизмат қиладиган чоралар мажмуини аниқлаш зарурияти юзага келмоқда.

Тадқиқотда мамлакат ҳаётида миллий анъана ва кадриятларнинг аҳамияти юксак бўлгани туфайли мустақиллик йилларида уларни тиклаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилгани таъкидланади. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг миллий анъана ва кадриятларнинг тикланиши давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Давлатнинг жиддий эътибори самараси ўлароқ қисқа муддатда миллий анъана ва кадриятларни асраш ва ривожлантириш ҳаракати тенденциявий тус олди.

